

# ВАТАНПАРВАРЛИК-МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

***Юртбошимизнинг жорий йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишига кўра белгиланган байрам тадбирлари ана шу шиор остида бўлиб ўтмоқда.***

Шаҳримизда ҳам шаҳар ҳокимлиги, секторлар, жамоат ва давлат ташкилотлари ҳамкорлигида 2019 йил 15-декабрдан 2020 йил 15 январгача ватанпарварлик ойлиги муносабати билан ёшлар ва ҳарбийлар учрашувлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари, соҳа фахрийлари иштирокида тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар доирасида шаҳар Драма театрида Каттақўрғон шаҳар ҳарбий қисми ташкил этилганлигининг 26 йиллиги кенг нишонланди. Унда шаҳар ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Сўзга чиққан Артиллерия қўмондони полковник Алишер Нарбаев ҳарбий қисм шахсий таркибини самимий қутлар экан, бугун юртимизда Мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар боис Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражадаги Қуролли Кучларига эга бўлганлигини ва ўз сафини юксак салоҳиятли, билимли, жанговор шайлиги юқори бўлган ҳарбий хизматчилар билан тўлдирганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда ҳарбий қисмнинг шонли тарихи хусусида сўз юритилар экан, ушбу давр ичида ҳарбий қисм шахсий таркиби хизмат мажбуриятига сидқидилдан ёндашганлиги ва кўплаб ҳарбий хизматчилар қисмдаги хизматлари давомида ютуқларни, юксак мукофотларни қўлга киритганлари эътироф этилди.

Ушбу қутлуғ сана муносабати билан қисмни қутлаш учун сўз олган шаҳар ҳокими Музаффар Хашимов соҳа ходимларини 14 январь- Ватан ҳимоячилари куни билан чин дилдан муборакбод этди. Ва бугун сарҳадларимиз тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчиларнинг шарафли ва машаққатли ишларига улкан зафарлар тилади.

Тадбир давомида намунали хизмат қилган ҳамда халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ташаккурномалар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу куни ҳарбий қисмда ташкил қилинган "Очиқ эшиклар куни"га ташриф буюрган Ёшлар иттифоқи кенгашининг шаҳар сардорлари ва етакчилари ҳарбий қисм ҳаёти билан яқиндан танишдилар

**Ҳилола Мамадалиева.**